



## Ўзбекистонда иқлим ўзгариши Тасвирий шарҳ





© Марказий Осиё минтақавий экологик маркази

Ушбу қўлланма манбаси кўрсатилгани ҳолда таълим мақсадида ёки нотижорий мақсадлар учун тўлиқ ёки қисман фойдаланилиши мумкин.

Жаҳон банкининг Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ) томонидан молиялаштириладиган Иқлим ўзгаришига мослашиш ва Орол денгизи ҳавзасида унинг оқибатларини юмшатиш бўйича дастурга (CAMP4ASB) миннатдорлик билдирамыз. Ушбу дастур Марказий Осиёда иқлим ўзгариши бўйича усуллар, ёндашувлар ва қарор қабул қилиш учун воситаларни ишлаб чиқиш жараёнига кўмаклашади.

Марказий Осиё минтақавий экологик марказида CAMP4ASB лойиҳаси бўйича умумий бошқарувни қуйидаги шахслар амалга оширади: Зафар Махмудов (ижрочи директор), Ирина Бекмирзаева (дастур раҳбари)

Иштирок этувчилар: Ирина Бубенко, Салтанат Жакенова, Виктор Новиков, Александра Поварич, Дина Адилова



Қўлланма нашрга «Зой» экологик тармоғи томонидан тайёрланган

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашган ва қўшни мамлакатлар билан учта йирик – Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларидан биргаликда фойдаланади. Мамлакат аҳолисининг 33 миллион кишидан ортиқлиги Ўзбекистонни минтақанинг энг зич жойлашган давлатига айлантиради. Мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги ва саноати яхши ривожланган, иқтисодийёти эса диверсификация қилинган. Мамлакат етиштириш учун катта миқдорда сув талаб қилинадиган пахта, шунингдек, мева ва сабзавотларни экспорт қилади.

Мамлакат иқлими континентал, ёз иссиқ ва қиш нобарқарор совуқ. Энг иссиқ йилларда ёзда максимал ҳарорат  $+43^{\circ}\text{C}$   $+45^{\circ}\text{C}$  гача, республиканинг жануби ва чўл зонасида  $+47^{\circ}\text{C}$   $+50^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади. Марказий ҳудудлардаги чўлларда йил давомида атиги 100 мм ёғин ёғса, тоғларда бу кўрсаткич 800 мм дан ошади. Ўзбекистонда ўртача йиллик ҳарорат ўн йилда  $0,27^{\circ}\text{C}$  тезликда ўсиб бормоқда, иссиқ кунлар ва тунлар сони ортмоқда.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига жуда заиф мамлакатлар қаторига киради. Агар ўз вақтида мослашиш чоралари кўрилмаса, мамлакат сув ресурслари етишмовчилиги ва ерлар таназзули муаммосига дуч келиши мумкин. Иқлим исиши натижасида қор қоплами қисқармоқда, буғланиш кучаймоқда. Қурқоқчиликнинг тез-тез тақрорланиши ва жадаллигининг кучайиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барқарорлигини бузиши ва озиқ-овқат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин. Ёз давридаги жазирама, баҳорда тошқинлар ва селлар, қишда кўчкилар Ўзбекистоннинг аҳоли яшайдиган туманлари ва муҳим инфратузилмасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Амударё қуйи оқимидаги ҳудудлар сув танқислиги ва чанг бўронларидан азият чекмоқда.

Қорақалпоғистонда – бу борада айниқса таъсирчан ҳисобланадиган ва Орол денгизи фожиаси оқибатларини бошидан кечираётган ҳудудда иқлим ўзгаришига мослашиш лойиҳалари фермерларга суғориш тармоқларини модернизациялаш, қурқоқчиликка бардошли экинларни жорий этиш ва даромад манбаларини диверсификация қилишда ёрдам бермоқда. Зарафшон дарёси ҳавзасида фермерлар иссиқхоналар қуриш, сув таъминоти ишончилигини ошириш ва боғдорчиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлардан фойдаланмоқдалар. Ўзбекистон ҳукумати миллий гидрометеорология хизмати модернизациясини молиялаштирмоқда, Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш дастури эса автоматлаштирилган об-ҳавони кузатиш тармоғини жорий қилишга кўмаклашмоқда.

Қазиб олиннадиган ёқилғи турлари, айниқса, табиий газга боғлиқлик Ўзбекистон иқтисодийётининг энергия сарфи ҳажмини кўпайтиради. Ишлаб чиқариш модернизацияси инвестициялари, уй-жой ва ускуналар энергия самарадорлигини ошириш, қуёш ва шамол электр станцияларининг қурилиши иссиқхона газлари ажратмаларини қисқартиришга имкон беради. Қишлоқ хўжалиги, айниқса чорвадорлик ва минерал ўғитлар қўлланишидан чиқариладиган ажратмалар улар умумий ҳажмининг 10 фоизини ташкил қилади. Чиқиндилардан ажратмалар кўп бўлмасада, лекин уларнинг миқдори тез суръатларда ортиб бормоқда.

# Ўзбекистон

## География ва иқлими

Чўллар ва даштлар мамлакат ҳудудининг **80%**ини эгаллайди

макс. **+48°C**


Бир йилда **800 мм**

Тоғлар –  
ҳудуднинг **20%**и

Бир йилда **100 мм**

- \* Металлургия, фойдали қазилмалар қазиб олиш
- \* Цемент ишлаб чиқариш, кимё саноати
- \* Автомобиллар, ускуналар

Хизмат кўрсатиш соҳаси



Қайта тикланадиган манбалардан фақат **3%** энергия

## Аҳоли ва иқтисодиёт

Шаҳар аҳолиси **50%**

Саноат

Қишлоқ хўжалиги

Қишлоқ аҳолиси **50%**

**90%**

Истеъмол сувининг **90%**и қишлоқ хўжалигида фойдаланилади

**YIM**

Бир кишига **2360** АҚШ доллари

2019

**+100 000 га**

Иқтисодий ўсиш

2010

Бир йилда **5%**

Боғдорчиликни ривожлантириш

Сув етишмовчилиги ва ундан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, ерлар таназзули

Йирик табиий газ ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи

20 млн

Аҳолининг ўсиши

1990

33 млн

2019

## Экологик муаммолар

Ифлосланишни етарлича назорат қилмаслик

Чиқиндилар билан муомала қилишнинг эскирган усуллари

Орол денгизининг қуриши ва чанг бўронлари


# Ўзбекистон Иқлим ўзгаришига мослашиш



Мониторинг тизимини  
такомиллаштириш

Ўрмонлар  
экиш

Иссиқхона  
газлари  
ажратмаларини  
қисқартириш



Шаҳар хўжалиги ва иқлим  
ўзгаришини ҳисобга олган  
ҳолда режалаштириш

Сув таъминоти  
ва канализация  
tizimlarini yaxshilash



гидроэнергетика




Транспорт  
ва уй-жойни  
газлаштириш

Аҳолининг заиф  
гурӯҳларини ҳимоя  
қилиш




Соғлиқни сақлаш  
tizimini yaxshilash



Чиқиндиларни  
қайта ишлаш




Сувдан қайта фойдаланиш




Сувни тежайдиган суғориш усуллари



Қайта  
тикланадиган  
энергия



Хавфли об-ҳаво  
ҳодисаларидан  
ҳосилни ҳимоя  
қилиш учун  
иссиқхоналар



Иқлим ўзгаришига чидамли  
мевали ўсимликлар

Мол учун озуқа қурилмаси  
ва захиралари




Об-ҳаво прогнозлари  
ва табиий офатлар  
тўғрисида барвақт  
огоҳлантириш  
tizimlarini  
yaxshilash



Маориф ва иқлимий  
муаммолар  
тўғрисида ахборот

Қурғоқчиликка  
бардошли экинлар,  
туپроқларни ҳимоя  
қилиш




Сув-ботқоқ майдонларини  
тиклаш, дарёнинг куйи  
оқимида сув билан  
кафолатли таъминлаш



# Ўзбекистон Иссиқхона газлари ажратмалари

CO<sub>2</sub> эквиваленти миллион тонналарида

Энергия ишлаб чиқариш  
ва фойдаланиш  
82 %



Қишлоқ хўжалиги  
10 %

Бошқа манбалар

Чиқиндилар 4 %




Ўрмонлар ва ердан  
фойдаланиш

- 3 млн. тонна


Айрим газлар  
ажратмалари улуши

Йиллар бўйича иссиқхона  
газлари ажратмалари




# Ўзбекистон Сув ресурслари

Йилига  
0,3-0,6 %  
қисқартириш



## Об-ҳаво


Ҳаво ҳароратининг ўзгариши




Иссиқ кунлар сони      Сувуқ кунлар сони



Ёғинлар миқдорининг  
кўп йиллик ўзгариши



## Экстремал об-ҳаво ҳодисалари оқибатлари







## Фойдали ҳаволалар

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МИЛЛИЙ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ: РАСМИЙ ОБ-ҲАВО ПРОГНОЗЛАРИ, ИҚЛИМ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Қозоқистон: [kazhydromet.kz](http://kazhydromet.kz)

Қирғизистон Республикаси: [meteo.kg](http://meteo.kg)

Тожикистон: [meteo.tj](http://meteo.tj)

Туркманистон: [meteo.gov.tm](http://meteo.gov.tm)

Ўзбекистон: [meteo.uz](http://meteo.uz)

### ИҚЛИМ, СУВ ВА ЭНЕРГИЯ ТЎҒРИСИДА МИНТАҚАВИЙ МАЪЛУМОТ

Марказий Осиё иқлимий маълумотлар портали: [centralasiacclimateportal.org](http://centralasiacclimateportal.org)

Марказий Осиё минтақавий экологик маркази: [ca-climate.org](http://ca-climate.org)

Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссияси: [mkurca.org](http://mkurca.org)

Марказий Осиёнинг сув ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимлар портали: [cawater-info.net](http://cawater-info.net)

Жаҳон банки томонидан амалга ошириладиган Марказий Осиёнинг сув-энергетика дастури:  
[worldbank.org/en/region/eca/brief/cawep](http://worldbank.org/en/region/eca/brief/cawep)

### ГЛОБАЛ ИҚЛИМИЙ МАЪЛУМОТЛАР МАНБАЛАРИ

БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий Конвенцияси, мамлакатларнинг иссиқхона газлари ташланмалри бўйича расмий маълумотлари портали: [di.unfccc.int/detailed\\_data\\_by\\_party](http://di.unfccc.int/detailed_data_by_party)

БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий Конвенцияси, миллий ахборотномалар:  
[unfccc.int/non-annex-I-NCs](http://unfccc.int/non-annex-I-NCs) and <https://unfccc.int/NC7>

Халқаро энергетика агентлиги: [iea.org](http://iea.org)

Иқлим ўзгаришига мослашиш намуналари, ёндашув услубиятлари портали (weADAPT): [weadapt.org](http://weadapt.org)  
ва тоғли мамлакатларда мослашиш [adaptationataltitude.org](http://adaptationataltitude.org)

Жаҳон банкининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги билимлар портали: [climateknowledgeportal.worldbank.org](http://climateknowledgeportal.worldbank.org)

Жаҳон метеорология ташкилоти, иқлимий маълумотлар каталоги:  
[climatedata-catalogue.wmo.int](http://climatedata-catalogue.wmo.int)

## Контактлар

CAMP4ASB лойиҳасининг минтақавий мувофиқлаштириш гуруҳи,  
Марказий Осиё минтақавий экологик маркази (РЭЦЦА)

🌐 A15D5B3, Қозоғистон Республикаси, Олма ота шаҳри, «Орбита-1» мкр., 40-уй

✉ [camp4asb@carececo.org](mailto:camp4asb@carececo.org)

☎ +7 727 265 43 34

💻 [carececo.org](http://carececo.org)

💻 [ca-climate.org](http://ca-climate.org)

### ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги  
Қишлоқ хўжалиги корхоналарини реструктуризация қилиш бўйича Агентлик қошидаги  
CAMP4ASB лойиҳасининг миллий мувофиқлаштириш гуруҳи

🌐 100000, Ўзбекистон Республикаси, Ташкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39Б

✉ [info@rra.uz](mailto:info@rra.uz)

☎ +998 71 241 45 30

💻 [uzaifsa.uz](http://uzaifsa.uz)

Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)

🌐 100052, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бодомзор йўли, 1-тор кўча, 72

✉ [uzhymet@meteo.uz](mailto:uzhymet@meteo.uz)

☎ +998 71 237 35 11, +998 71 235 73 93

💻 [meteo.uz](http://meteo.uz)